



Тошкент То'лоқ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 91 (11.652)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида «Нефть ва газ» Ўзбекистон-OGU-2010» халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Кўргазмалар

НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Бу галги нуфузли халқаро кўргазмада 28 та давлатдан 190 дан зиёд компания замонавий технологиялар, дастгоҳ ва ускуналар, кўплаб янги хизмат турларини тавсия қилмоқда.

Кўргазмада Швейцария, Австрия, Буюк Британия, Германия, Эрон, Малайзия, АҚШ, Франция, Россия, Кипр, Нидерландия, Украина, Польша, Италия, Хитой, Руминия давлатлари ва албатта Ўзбекистон номидан иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар стендлари олдига ташриф буюрувчилар кўпчиликини ташкил этмоқда. Айниқса юртимизда фаолият юритаётган «Hi-Tech-kabel» кўша корхонаси, «УзНЕК», «Узхеламин», «Mехatronika-TES», «Кабелт-ранс-сервис» масъулияти чек-

ланган жамиятлари, «Махсус полимер» акциядорлик жамияти томонидан тавсия этилаётган маҳсулот ва хизматлар кўпчилиги эътиборини тортаётди.

Ўзбекистонда нефть ва газ захираси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда бундай тадбирлар доирасида хорижий инвесторлар билан ўзаро манфаатли шартномалар тузиш нечоғлик қулай эканлигини ҳам кузатиш мумкин. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазмада икки йилдан эътиборан нефть-газ билан бирга кимё соҳаси ҳам камраб олинмоқда. Стендларда бу соҳага оид ютуқлар, рақобатбардор маҳсулотлар кенг намойиш этилмоқда.

Кўргазма доирасида шунингдек соҳа мутахассислари,

олимлар иштирокида уч кун давомида конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилади, савол-жавоблар, оқиқ мулоқот, баҳс-мунозаралар асосида тажриба алмашилди, янгиликлардан воқиф бўлинади. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад эса соҳада эришилган ютуқлар, энг сўнгги технологиялар, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ва хизматлар намойиши орқали юртимизда нефть, газ ва кимё соноатини янада ривожлантириш, тузиладиган шартномалар орқали хорижий инвестицияларни жалб этишдир.

МУҲАББАТ ХАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар
Козим Улмасов олган суратлар

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг раббатлантирилиши тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини янада кенгайтириш, нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам истеъмолчилар талабини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга оид лойиҳаларни тайёрлаш ва амалиётга жорий қилиш механизми, тармоқларо ва тармоқ ичидаги кооперация иштирокчилари - маҳаллий корхоналар учун имтиёз ва преференцияларнинг изчил тизими шаклланди бўлиб, бу ишлаб чиқарувчиларнинг янги турдаги са-

ноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга бўлган қизиқишини янада орттирмоқда.

«Ўзмонтажмаҳсукурилиш» уюшмаси, биринчи чорак якунларига кўра, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажмини ўтган йилнинг шу давридаги-га нисбатан 2,1 баравар оширди.
(Давоми 2-бетда).

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш Президентимиз Ислон Каримов томонидан янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган ва амалда ўзини тўла оқлаган тамойиллардан биридир. Унинг моҳияти шундаки, аҳолининг барча, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида бўлади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ САМАРАЛАРИ

Инқирозга қарши чоралар дастурида аҳолининг турмуш даражасини янада оширишдек хайрли мақсадлар кўзлангани унинг самардорлигини таъминламоқда. Ўтган йили мамлакатимизда 940 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоиз кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этди.

Ўза муҳбири ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирининг ўринбосари Шухрат САИДОВ билан суҳбатлашди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилгани амалда ўз самараларини бераётди, — дейди Ш.Саидов. — Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланганларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ишлари изчил йўлга қўйилган.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йил бошидан буён мамлакатимизда 215 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмалар ривожлантирилаётгани алоҳида аҳамияти касб этди.

Касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали шакллари ҳисобланади. Ушбу соҳаларда 50 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиб, уларда асосан аёллар, кўп болали оналар ва ногиронларнинг меҳнат фаолияти таъминлангани бунинг далилидир. Шу боис мазкур соҳаларни, хусусан, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис тизимини ривожлантириш мақсадида Бандликка қўмақлашувчи давлат жамғармасидан жами бир миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилди.

Меҳнат бозорини янада ривожлантириш, унда ёшларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Меҳнат бозорини ривожлантириш ва кенгайтириш давлатиёзи сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Чунки бирор иш билан банд бўлган инсон нафақат ўзи, балки оиласига, жамиятга фойда келтиради. Шу боис мавжуд корхона ва ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилиб, бўшаётган ёки яратилаётган иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш ишлари изчил йўлга қўйилган. Бунда жойлар-

да ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти катта бўлаётди. Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган 277 шундай тадбирда 12 мингдан ортиқ иш берувчи бўш иш ўринларини аҳоли эътиборига ҳавола этди. Унда иштирок этган 76 минг нафар фуқародан 30 минг нафари ўзига муносиб иш топди.

Жойлардаги Бандликка қўмақлашувчи ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш марказларида ҳам фуқаролар муурожаати алоҳида эътиборда. Жорий йилда иш сўраб муурожаат қилган 155 минг нафар фуқаронинг 138 мингдан ортиғи малакасига қараб ишга жойлаштирилди. Фуқароларнинг меҳнат бозоридagi рақобатга бардошлилигини кучайтириш мақсадида талаб кучли бўлган мутахассисликлар бўйича касбга тайёрлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қароридa ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши борасида уларга барча шароитни яратиш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилган. Ёшларга касб ўргатиш ва ишга жойлаштириш уларнинг манфаатига хизмат қилувчи муҳим омил экани эътиборга олинди, жорий йилда шу мақсадга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ўтган даврда етти минг нафар киши иқтисодий тармоқларда талаб кучли бўлган мутахассисликлар бўйича касбга ўргангани ва ишга жойлаштирилгани, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этгани шундан далолат.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланганларга кўрсатилаётган ҳамхўрлик хусусида тўхталиб ўтсангиз.

Дарҳақиқат, аҳолининг ушбу қатлами давлатимизнинг доимий эътиборида. Уларнинг аниқ манзили ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ишлари изчил йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда айна пайтда 29,3 минг нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар, жумладан, 8,4 минг нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар ижтимоий хизмат кўрсатишининг барча турлари — бепул озиқ-овқат, дори-дармон билан таъминланмоқда. Хусусан, уларга 1130,7 миллион сўмлик моддий ёрдам, 571,3 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар ажратилди.

Юртимизда инсон манфаатлари муҳофазасини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Тошкентдаги Миллий санъат марказида «Педагогик грантлар дастури» лойиҳасининг голибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз бюромтмаси бўйича Хитойнинг «Zhuzhou Electric Lokomotive Works» компанияси томонидан тайёрланган 15 та электровозлардан дастлабкисининг тақдироти ўтказилди. Соатига 160 километр тезликда ҳаракатланадиган ушбу транспорт воситалари электрлаштирилган йўлларда йўловчиларни ташиш ҳажмининг икки баробар ошишига имкон яратади. Лойиҳанинг умумий қиймати 75.526 миллион долларни ташкил этиб, 2012 йилга келиб барча электровозлар фойдаланишга топширилади.

● Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб» меҳмонхонасида паррандачиликни ривожлантиришга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги корхоналар раҳбарлари ҳамда тадқиқотчи олимлар билан бирга Германия, Эрон ва Россия сингари хориж мамлакатларидан ташриф буюрган мутахассислар ҳам иштирок этди.

● Қарши шаҳридаги Мулла Тўйчи Тошмухамедов номли муסיқали драма театрида «Хуқуқ билимдонлари — 2010» қувноқлар ва зукколар беллашувининг республика босқичи бўлиб ўтди. Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Фонд форум» ҳамкорлигида ташкил этилган танловда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўзаро беллашди.

● Андижон вилояти Пахтабод туманидаги Терактаги маҳалласида тадбиркор Собиржон Тошбойтаев ташаббуси билан «Оталар чойхонаси», бир нечта хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда икки қаватли салобатли мажмуа ва мўъжаз боғни ўз ичига олган замонавий гузар бунёд этилди. Натижада 30 киши меҳнат қилаётган мажмуада қишлоқ ахли учун намунали ва сифатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

● Нукусда муқобил электр ресурсларидан фойдаланиш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Жумладан, тадбирда муқобил электр энергияси манбаларидан фойдаланиш бўйича Германия тажрибаси ҳамда Ўзбекистонда бундай лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Буюк Британия давлати раҳбари қиролича Елизавета II мамлакат бош вазири Гордон Брауннинг истеъфосини қабул қилди. Қиролича шу куни Дэвид Кэмеронни янги бош вазир этиб тайинлади. Шу тариқа Кэмерон Буюк Британиянинг етмиш бешинчи бош вазири бўлди. Консерваторлар партияси етакчиси ҳисобланмиш янги бош вазир либерал-демократлар билан коалиция тузилишини эълон қилди.

● Марказий Америкадаги Коста-Рика мамлакатини тарихда биринчи марта аёл киши бошқарадиган бўлди. Собик вице-президент, мамлакат адлия вазири Лаура Чинчилья Коста-Рика конституцияси талабига мувофиқ давлат раҳбари сифатида мамлакатни 2014 йилгача бошқаради. Янги президентнинг инаугурация маросимида ўн мингга яқин киши иштирок этди.

● АҚШнинг Оклахома штатида юз берган торнадо катта талафотларни келтириб чиқарди. Жумладан, табиий офат туфайли 4 киши ҳалок бўлди, ўнлаб одамлар тан жароҳати олди. Кўплаб турар жой биноларига ва автомобилларга жиддий зарар етди.

● Голландиянинг Амстердам шаҳридаги халқаро аэропортга кўниш вақтида «Боинг-737» русумли самолётнинг двигатели ёниб кетган. Фалокат рўй берган пайтда самолёт бортида экипаж аъзоларидан ташқари 186 та йўловчи бўлган. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли уларнинг барчаси кутқариб олинган. Ҳалокат сабаби ҳозирча номаълум.

● Бугун Германиянинг Гамбург шаҳрида футбол бўйича УЕФА кубоги ўрнига ташкил этилган Европа кубогининг илк финал баҳси ўтказилади. Унда Испаниянинг «Атлетико» ва Англиянинг «Фулхем» жамоалари ўзаро куч синашади.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигида Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзи масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида Халқаро ҳамширалар кўни муносабати билан тиббиёт муассасалари кичик тиббий ходимлари иштирокида «Ҳамшира-2010» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

✓ **УЧТЕПА** туманидаги 78-мактабда уюштирилган тадбир «Инсон хотираси — муқаддас» деб номланди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** шифокорлар, соҳа олимлари иштирокида полиомиелит хасталигини даволашнинг замонавий усулларига бағишланган конференция ўтказилди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилди. Пиловардида иқтисодий ривожлантириш андозалари ўзгарди, яъни миқдорий кўрсаткичлардан сифат кўрсаткичларига устунлик берилиб, айниқса маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигига катта эътибор қаратила бошланди.

Фан-техника тараққиётининг жадаллашуви натижасида кичик корхоналар фаолияти учун зарур бўлган техникалар, жумладан, мини-ускуналар, микропроцессорлар пайдо бўлди.

Замон билан ҳамнафас бундай ижобий ўзгаришлар истеъмолчиларда ҳам бозор талабларига мос ёндошушни шакллантирди, уларни стандарт товарлар сотиб олишдан воз кечишга ундади.

Мамлакатимиз Президентининг томонидан ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинган фармон ва қарорлар негизда авваломбор тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий-дағи ўрни ва аҳамиятини ошириш мақсади билан 2009 йили тадбиркорликнинг айниқса кичик шакли иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилли сифатида ҳақиқат салохиятини оширишга хизмат қилиши баробарида ҳар бир инсоннинг маҳорати ва қобилиятини рўйбга чиқариш учун ҳам қулай заминдир.

Иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳияти юқори мамлакатларда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири айнан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлиб, бу соҳа улушига барча корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмининг 90-95 фоизи, яъни ички маҳсулотнинг 55-70 фоизи тўғри келади.

Кичик бизнес айниқса хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларининг

ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Узининг фаолияти ва иқтисослашувини тез ўзгартира олиш, фан-техника ютуқларини фаол ўзлаштириш имконига эга, рақобат муҳитини яратишда ҳам тезкор, кичик бизнес шу тариха иқтисодийнинг монополлашув даражасини камайтиради ҳамда ҳақиқий мулкдор-

таъкидлаб ўтдилар, ўз навбатида, кичик бизнес учун кафолат ва имтиёزلарни йил сайин ошириб бориш вазифасини илгари сурдилар.

Дарҳақиқат, юқорида айтиб ўтилганидек, мустақилликимизнинг дастлабки кунларидан жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш иқтисодий та-

ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

лар синфини шакллантиришда асосий бўгин ҳисобланади. Ҳажмининг кичиклиги оммавийлаштиришга туртки бўлиб, янги ишчи ўринларини яратишда ҳам мақбулдир.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишдаги маърузаларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўналишлари ҳақида алоҳида тўхталиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш, кўламини кенгайтириш, уларга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш муҳим устувор вазифалардан бири эканлигини

раққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида унинг устувор ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва шу асосда одамларда мулкдорлик туйғусини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда нисбатан қисқа вақт ичида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни қоритиш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилди.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунлар, мамлакатимиз Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон ва Қарорлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашга ҳам кафолат бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тадбиркорликнинг ривожини кўп ҳафтадан мазкур соҳа соҳибларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Тадбиркор жамият ривожланишини ҳаракатга келтирувчи илгор куч сифатида ўз билими, қобилияти омилкорлиги ва ижодкорлиги билан ажралиб туриши лозим.

Демак, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш иштиёқида бўлган ҳар бир шахс, айниқса бу соҳага энди кириб келаётган ёшлар биринчи навбатда иқтисодий ислохотлар оқимидан тадбиркорликнинг тугган ўрни, мақсад ва вазифалари, мазмун ва моҳиятини тўлиқ англаши, давлат томонидан яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни аниқ билиши ва улардан тўғри ва тўлақонли фойдаланиши, қолаверса мамлакатимизда ўз хусусий бизнесини йўлга қўя олган тадбиркору ишбилармонларнинг тажрибасини ўрганиши лозим.

Р.ЭГАМБЕРДИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди
Ойбек ПАРДАЕВ,
Тошкент Молия институти
талабаси

Қарор ва ижро
АҲОЛИ УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Мамлакатимизда пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириш тизими йил сайин ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелда қабул қилинган «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб- китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ электрон ҳамёндан фойдаланиш кўламини тобора кенгаймоқда.

— 2010-2011 йилларда аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари рўйхати янада кенгайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пластик карточкалар таҳлили ва мониторингини бошқармаси бошлиғи Фахриддин Бобоев. — Хусусан, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизматлари учун ҳам пластик карточкалар ёрдамида ҳақ тўлаш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қароридан 2010 йил 1 июнга қадар 100 ва ундан ортиқ кўчмас савдо жойларига эга бўлган барча бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бозор йиғимлари ва ижара ҳақини фақат банк тизими орқали ундириш учун автоматлаштирилган ҳисобга олишни йўлга қўйиш белгиланган. Шунингдек, бозорга туташ барча автомобилларни вақтинча сақлаш жойларини ҳам тўлов терминаллари билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Автошоҳбечаклар ва автостанциялар кассалари ҳам аҳолига пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатувчи объектлар рўйхатига киритилган. Шу тариха, электрон ҳамён бўйича авиа ва темир йўл чипталарини сотиб олган мамлакатимиз аҳолиси 2010-2011 йилларда автобус йўлкира ҳақини ҳам нақд пулсиз тўлаш имконига эга бўлади. Бу даврда «пластик карточкалар» бозори иштирокчилари сони кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, гаровхоналар, сугурта компаниялари ва молия бозорининг бошқа субъектлари ҳисобидан янада кўпаяди.

Мамлакатимизда яратилган пластик карточкаларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми нақд пулсиз ҳисоб-китобни ривожлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартиришда яхши омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ҳузурида Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди. Марказда бегона шахсларнинг пластик карточкаларни сохталаштириши ва улардан ноқонуний фойдаланишига йўл қўймайдиган «Ўзкарт» тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда. Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, мижозлар ҳисоб-рақамидан маблағ ечиш ва унга пул ўтказиш ушбу марказ орқали амалга оширилиши мижозлар ва сотувчиларни турли қаллоблик ва алдовлардан ҳимоя қилишни кафолатлайди.

Ўзбекистоннинг барча тижорат банклари бундай истиқболли бозорни янада кенгайтиришда фаол иштирок этади. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб ягона тариф бўйича амалга оширилмоқда, яъни хизмат кўрсатиш ҳақлари ва нархлар нақд пулдагидан фарқланмайди. Масалан, хизмат кўрсатувчи банклар пластик карточкалар эгалари ойлик маош олиганда, улардан қўшимча фоиз ушлаб қолмайди. Барча банк ва минибанклар (омонат кассалар, махсус кассалар)да барча турдаги коммунал хизматлар учун (электр энергияси, сув, газ, телефондан фойдаланганлик учун) ҳақ тўлаш имконини берадиган тўлов терминаллари ва бошқа турдаги электрон тўлов воситалари мавжуд.

Марказий банк маълумотларига кўра, 2010 йил 1 май ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан 6,4 миллион дондан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилган. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳар олти фуқародан бири ўз электрон ҳамёнига эга.

Бугунги кунда пластик карточкалар эгаларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида 60 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ишлаб турибди. Тижорат банклари томонидан ўрнатилган 201 банкомат ва 162 инфокиоскалар аҳолини нақд пул билан таъминламоқда. Банклар савдо дўконларининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларни терминаллар билан тўлиқ жиҳозлаш борасида зарур чоралар кўрмоқда. 2010-2011 йилларда ҳисоб-китоб терминаллари учдан бир ҳиссага, банкоматлар 80 фоизга, ахборот терминаллари (инфокиоскалар) деярли уч баравар кўпайиши кутилмоқда.

Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириш борасидаги бу саъй-ҳаракатлар ушбу тизимни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу пластик карточкалар эгаларига қўшимча қулайликлар яратади, илгор банк технологияларини жорий қилиш орқали хизмат кўрсатиш сифатини оширади.

(ЎЗА)

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уюшма бўлинмаларидан бири — «Ирригация бўйича ГСКБ» қўшма корхонаси Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ушбу корхонада 2005 йилда пахта хомашисидан ип ишлаб чиқариш ва ундан қўлқоплар тикиш бўйича янги истиқболли йўналиш очилган эди. Мазкур иш кичик ҳажмдан бошланган бўлса-да, талабнинг ўсишига қараб, таклиф ҳам ошиб борди. Маҳаллий автомобилсозлар ва қурилиш компаниялари ушбу сифатли маҳсулотларнинг ички бозордаги асосий харидорлари ҳисобланади. Айни пайтда маҳсулотнинг катта қисми экспорт қилинмоқда.

Ишлаб чиқаришда юқори сифатли маҳаллий пахта толасидан фойдаланиш мазкур маҳсулотлар нархининг рақобатбардош бўлиши-

ни ҳам таъминламоқда. Қўлқопларнинг сифати ҳам халқаро стандартлар талабига тўлиқ жавоб беради. Маҳсулот тайёрланадиган тўртта техник жараён — тўқиш, оверлокда ишлов бериш, ПВХ билан ишлов бериш ва тайёр маҳсулотни ўраш босқичлари техник назорат бўлими томонидан кузатиб борилади.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида давлат томонидан берилган имтиёз ва преференциялар натижасида импорт қилинаётган таркибий қисмларнинг арзонлашуви таъминланмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган пахта толари қўлқопларнинг ички ва ташқи бозорда харидорлигини оширмоқда.

Ўтган йили экспорт қилинган маҳсулот умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 51 фоизини ташкил этади. Бу маҳсулот асосан Россиядаги

металлургия заводлари ва қурилиш ташкилотларига етказиб берилди. 2009 йилда ички харажатларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида маҳсулот таннарихи 25 фоизга арзонлашди. Бу эса хорижда маҳсулотнинг рақобатбардошлигини янада оширди. Корхонадан берилган маълумотларга кўра, 2010 йилнинг биринчи чорагида экспорт кўрсаткичлари 73 фоиз ошди.

Ҳозирги пайтда корхонанинг машина парконанинг машина парки 500 ишлаб чиқариш ускунасидан иборат бўлиб, қўшимча ишчи кучи жалб қилинмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ойига 2 миллион жуфт қўлқоп ишлаб чиқаришга эришди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 16 миллион жуфт қўлқоп ишлаб чиқариш мўлжалланган.

(ЎЗА)



Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсон сифатида вояга етказиш тарбия-педагогик жараёнининг асосини ташкил этади.



2010 йил — Баркамол авлод йили
ЁЗ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

бўлган корхона ва ташкилотларнинг касабга уюшмалари кўмиталари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасалари иштирок этади.

Семинарда жорий йил ёзги мавсумда болаларнинг мазмунли дам олишига тайёргарлик кўриш, унинг самарали ўтказилишини ташкил этиш бўйича оромгоҳлар раҳбарияти олдида турган вазифалар доирасида фикрлар алмашилди.

Таъкидланганидек, ёз мавсумида 20 та оромгоҳда 42 мингдан зиёд фарзандларимиз ҳордиқ чиқариши белгиланган. Шулардан 16500 нафари кундузги, яъни мак-

таблар қошидаги оромгоҳларда соғломлаштирилиши кўзда тутилган.

— Соғломлаштиришга жалб этиладиган ўқувчиларнинг транспорт билан боғлиқ таъминоти компаниямиз ҳиссасига тўғри келади. Биз ўз имкониятимиздан келиб чиқиб, бу борадаги ишларга амалий кўмагимизни қўйишни олдимизга мақсад қилдик, — деди «Тошавтотранс» акциядорлик компанияси бўлим бошлиғи Ҳабибулла Исмаилов.

Семинар якунида соҳа доирасидаги бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ФАҲРИЙЛАР ҚАДРЛАНДИ

Дунёда тинчлик-тотувликдан ортиқ улғу саодат йўқ. Шунинг учун ҳам эл-юрт бахт саодати йўлида жон фидо этганлар ёди ҳамиша барҳаёт, ажал домидан омон қайтганлар олдида эса доимо таъзимдамыз, уларга иззат-икром кўрсатамыз, қадрлаймыз.

Тошкент Давлат техника университети қошидаги 5-академик лицей ўқувчилари «Жангоҳ» маҳалласида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фаҳрийлари Марина Калинина, Любовь Камерская, Холиса Хазиева, Улфат Тўлахонова ва Иосиф

Калининларнинг уйларига бориб йўқлашди. Ўқитувчилар бошчилигида уюштирилган ушбу тадбирда уруш қатнашчилари ёшларга дил сўзларини билдирадиган экан, Ватанин улуғлашган, тинчликни қадрлаб, асраб-авайлашга чарқидилар.

— Бизнинг ёшлигимиз уруш йилларига тўғри келди, шунга яраша қийинчиликларни бошимиздан кечирдик, — деди 85 ёшни қоралаган Любовь Камерская. — Бугунги тинч-осойишта ҳаётнинг қадрига етиб яшаш, муволафасиз, барчанинг шioriға айла-ниши керак. Мустақил Ўзбекистонимизнинг эртанги кунини ёшларимизга боғлиқдир. Биз, кесаларда кўрсатилган гамхўрлик ва эътибор учун Ўртбошимизга катта миннатдорчилик билдирамыз.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ)

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАФИШЛАНДИ

Тошкент Давлат иқтисодий университетидан «Ўзбекистон Республикасида божхона ишининг долзарб масалалари: назария ва амалиёт» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда олимлар, ўқитувчилар ва божхона хизмати вакиллари иштирок этади, деб хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона кўмитаси раиси С.Носиров Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани, мамлакатимиз корхоналарининг молиявий барқарорлиги қўллаб-қувватланаётгани туфайли миллий иқтисодий тизим ва аҳолини жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш тизими яхши самара бераётганини таъкидлади. 2009 йилда ташқи савдо айланмасининг сезиларли даражада ошгани иқтисодий комплекснинг нечоғли ишончли ва барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Яқинда Осий тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган 43-йиллик мажлиси иштирокчилари, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам 2009 йилда Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридagi фаоллигини қайд этади.

га солишнинг амалий воситаларидан бири ҳисобланади. У Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодийга самарали интеграциялашувини таъминлайди ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади. Божхона хизматини ривожлантириш халқаро савдо бозорларида тез ўзгариб турадиган вазият билан боғлиқ ҳолда кечади. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Божхона кодексига буларнинг барчаси ҳисобга олинган.

Илмий-амалий анжуманда мамлакатимиз миллий божхона-тариф тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, божхона тартибини соддалаштириш масалалари муҳокама этилди. Кадрлар тайёрлаш тизимида янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, божхона қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда божхона қондаларини бузишга қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасидаги долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

В.РУДАКОВА



TOSHKENT SHAHAR AMOLOT BO'LIMI

Бугунги кунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўсиб келаётган авлоднинг ҳақиқий маънодаги ишончи ва таянчига айланди, десак адашмаймиз.

Ҳаракатнинг асосий мақсади ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш, эзгу мақсадлар сари интилишини қўллаб-қувватлаш, ақлзаковати, куч-ғайратини тўла намоеъ этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун шарт-шароит яратиш, уларда етакчилик қobiliятини янада ривожлантиришдир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимига 2001 йил 7 майда асос солинган. Унинг кенгаши қошида "Камалак" болалар ташкилоти, «Иқтидорли ёшлар мактаби», ҳар бир туманда ҳудудий бўлимлар ташкил этилган бўлиб, таркибда сардорлар ва етакчилар кенгашлари ҳам фаолият юритади.

Ҳаракатнинг негизи — бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар барча ўқув муассасалари, меҳнат жамоалари, шунингдек Қуролли Кучлар, ҳуқуқтартибот органлари тизимларида ёшларнинг хоҳиш-иродасига асосан тузилади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бугунги кунда республика миқёсида йирик ташкилот сифатида шаклланиб, атрофида

минглаб ёшлар бирлашган. «Камолот» томонидан ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қobiliятини юзага чиқаришга қаратилган турли кўрик-танловлар

ри тарбияланувчилари учун турли тадбирлар, байрам кечалари ташкил этади. Тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талаба-ёшларга таълим кредитлари, турли корхоналардан ҳомийлик маблағлари олишда ёрдам кўрсатилади.

Ўзгалар кўмагига муҳтожларнинг уйини таъмирлаш, майший ёрдам кўрсатиш, жазони ўташ жойларидан қайтганларга яшаш жойида рўйхатдан ўтиш, ишга жойлашиш каби масалаларда амалий ёрдам кўрсатилади.

Бир неча йиллардан бери Халқ таълими вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда ўтказилиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловларида ҳар

қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда ҳар йили барча оромгоҳларнинг мавсумга тайёргарлиги ўрганилиб, энг муносиб бўлган етакчи ва тарбиячиларни танлаб олиш бўйича зарур ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Республика миқёсидаги 337 та болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳи ҳаракатнинг тегишли ҳудудий бўлимлари ўртасида тақсимланган. Оромгоҳларда ўтказилаётган тадбирларга таникли ёзувчи, шоир, спортчи, санъаткор, кино усталарини тақлиф этиш, тадбирларни қизиқарли, интерфаол усулларда ташкил этиш, танлов, викторина, мусобақалар фаол иштирокчиларини рағбатлантириш масалалари алоҳида эътибор қаратилади.

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши, шубҳасиз, ёш авлод вакилларига бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Бу борадаги Давлат дастури минглаб ёшларимиз бошини қовуштириб, улар ҳаётда муҳим ўрин тутаётган «Камолот» ЕИХ фаоллари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Дастурда белгиланган йўналишлар доирасида ҳаракат томонидан ташкил этилаётган тадбирлар тенгдошларимизнинг жамиятда фаоллигини оширишга қаратилган. «Янги авлод», «Келажак овози», «Миллий халқ ўйинлари», «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар», «Уч авлод учрашув», «Камолот маликаси», «Камолот» кубоги танлов ва мусобақалари ёшларни ҳаётда фаол бўлишга ундамоқда.

Гулнора АБДУБАХОБОВА,
«Камолот» ЕИХ шаҳар кенгаши бўлими мудир

КОМИЛЛИККА ИНТИЛУВЧИ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

ва спорт мусобақалари ташкил этиб келинмоқда.

Ҳаракат томонидан ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлиш учун 20 дан ортик йўналишлар бўйича иш олиб борилмоқда. Бирламчи бўгинлар фаоллигида кам таъминланган оила фарзандлари, имконияти чекланган болалар, вояга етмаганлар нозирлиги ҳисобида турган ўсмирларга бепул дарсликлар ва китоблар, ўқув қуроллари, кийим-кечак, спорт анжомлари, ёзги дам олиш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар олиб берилди.

Камолотчилар меҳрибонлик уйла-

йили ўртача 350-450 минг нафардан ортик мактаб ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари иштирок этади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида юқори синф ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилади.

Ёз мавсумида болаларнинг мазмунли дам олишини ташкил қилиш мақсадида ҳаракат томонидан «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Хотин-қизлар

Таълим ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Истиқлол шарофати билан барча соҳалар қатори таълимни ривожлантириш, келажакимиз ворислари бўлиш ёшларимизнинг зукко, билимли шахс бўлиб вояга етишига имкон яратиш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар катта самара бермоқда.

Қувонарли томони шундаки, кейинги йилларда ёшларимизнинг турли фанлар бўйича уюштирилаётган халқаро танлов ва олимпиадаларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашаватгани анъанага айланиб бормоқда.

Яқинда Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фани бўйича халқаро Менделеев олимпиадаси уюштирилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу танловда қатнашган бир гуруҳ мамлакатимиз вакиллари кимё фанини пухта ўзлаштирганликлари инсотлаб, совринли ўринларни кўлга киритишди. Тошкент халқаро аэропортида ҳамюртларимизни кутиб олиш маросимида халқ таълими соҳаси мутасаддилари бундан кейин ҳам ёшларимиз учун имкониятлар эшиги янада кенг очилиб бораверишини таъкидлаб, совриндорларга соғвалар туҳфа этишди.

Юлдуз ФАЙЗИЕВА

КАТТА ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Муסיқа санъатининг инсон маънавияти шаклланишида тутган ўрни ҳақида ортикча изоҳ беришга ҳожат йўқ.

Айниқса мумтоз куй-қўшиқ киши қалбига ўзгача ором беради, ёқимли муסיқанинг оҳанги дилларга завқ бағишлайди.

Кейинги йилларда болалар муסיқа мактаблари, муסיқа ва санъатта ихтисослаштирилган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари замонавий педагогик технологиялар, ўқув қўланмалари, дарсликлар билан тўлиқ таъминланди, нафақат пойтахтимизда, балки мамлакатимизнинг барча вилоятларида муסיқага ихтисослашган ўқув масканлари бунд этилди. Бу хайрли ишлар самара бериб, халқаро танловларда голиб бўлаётган мамлакатимиз ёшларининг сони кўпайиб бормоқда.

Яқинда Италияда бўлиб ўтган ёш муסיқачилар ўртасидаги халқаро танловда Глизэ номидидаги махсус истисослашган академик лицей ўқувчиси Аскар Тоҳиржонов мамлакатимиз шарофиди муносиб ҳимоя қилди. Пианино сирларини мукамал ўзлаштираётган Аскар йқросидаги жаҳон ҳамда ўзбек мумтоз куйлари ҳакамлар ҳайрати томонидан юқори баҳоланди ва ҳамюртларимизга танлов совриндори бўлиш насиб этди.

Қуни кеча Аскар йқросидаги концерт дастури Ёшлар ижод саройида намойиш этилди. Моцарт, Бетховен, Бах каби буюк бастакорларнинг дурдона асарлари асосида тайёрланган концерт йилганларда катта таассурот қолдирди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

БИЛИМЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидега немис тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича республика фан олимпиадаси ўтказилди.

Унда таълим муассасаларининг ушбу йўналишда таҳсил олаётган талабалари иштирок этади.

Фан олимпиадасининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлашди.

Айни вақтда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари ўртасида турли кўрик-танлов, фестивал ва фан олимпиадаларининг ўтказилиши анъана тусини олди. Бундан қўланган асосий мақсад иқтидор эгалларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдир.

Немис тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидега ташкил қилинган олимпиадада 12 та таълим муассасаси талабалари қатнашди. Иқтидор соҳибларини кашф этиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида ўтказилаётган ушбу олимпиадада талабалар синхрон таржима, озгаки, ёзма тест ҳамда иходий ишлар шартларида баҳолаб борилди. Фолибликни кўлга киритган истеъдод эгаларига соғвалар ва ёрликлар топширилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

АХБОРОТ

2010 йил 11 май куни соат 18-45 да Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида ҳайдовчи Р.Ҳамидов бошқарувидаги «ГБА-СПГ-ЛАЗ-695» русумли, 10 D 584 АА давлат рақам белгили автобуснинг Олтинтоған кўчасидаги бекатда тўхташ вақтида транспорт воситасининг газ ёқилгиси мосламаси билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса рўй берган. Оқибатда йўловчилардан 6 нафари ҳалок бўлган, 11 нафари турли даражадаги тан жароҳати билан шифохонгага ётқизилган.

Мутасадди ташкилотлар томонидан жабрланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳодиса оқибатларини бар-тараф этиш бўйича шошилиш чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича бошқа зарур ишлар ташкил этилди.

Тегишли идоралар томонидан содир бўлган ҳодиса юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ матбуот хизмати

ҲОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими томонидан «Ғил-қизларимизни ягона мақсад сари бирлаштириш мақсадида турли мавзудаги кўрик-танловлар, ижодий учрашувлар, семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда.



«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ҳаракатнинг мактаблардаги бошланғич ташкилотлари ва Сардорлар кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ўқув-семинар ўтказилди. Тадбир давомида турли соҳа мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, ёшлар билан қизгин мулоқот олиб борди.

— Мақсадимиз ёшларимизда етакчилик қobiliятини ривожлантириш, мактаб доирасидаги ишини тўғри йўналтиришга ўргатиш, шу билан бирга йил давомида

уларнинг малакасини ошириб боришга қаратилган, — деди «Камолот» ЕИХ шаҳар бўлими матбуот хизмати вакили Фотима Турғунхўжаева.

Семинар давомида етакчилар ҳаракатининг «Олтин мерос» йўналиши билан танишиб, қизиқтирган саволларига мутахассисларнинг малакали изоҳини олишга мушарраф бўлишди.

Шоҳида МАҲМУДОВА
СУРАТДА:
семинардан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат

Бугунги кунда яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, юрт ишига камарбаста бўлишга, унинг нуфузини оширишга интилаётган ёшларимиздан, албатта, ғурурланамиз, фахрланамиз. Тошкент Давлат шарқшунослик институти филология ва тарих факультетининг араб-инглиз ғуруҳида таълим олаётган Маҳмуд Иноятлов ҳам шундай фаол ёшларимиздан.

ИҚТИДОР СОҲИБИ

Маҳмуд ўзининг илмга чанқоқлиги, билим сирларини ўрганишга бўлган тиришқоқлиги, шу билан бирга камтарлиги билан курсдошлари ичиде ажралиб туради.

Шу хислатлари боис, шунингдек жамоат ишларида фаоллиги инотлаб келинмоқда. Маҳмуд Иноятлов талабалар анжуманида фахрий ёрлик билан мукофотланган. Иқтидорли талаба ўтган вақт ичиде нафақат илм, балки спортда ҳам эъчиллигини кўрсата олди. Институт талабалари ўртасида ўтказилган кураш мусобақасида совринли ўринлардан бирини эгаллашга муваффақ бўлди.

Маҳмуд Иноятлов «Айюбийлар давлатининг асосчиси Салоҳиддин Юсуф ибн Айюбнинг ўсмирлик даври» мавзусидаги илмий изланишларини анъанавий ўтказиб келинадиган шарқшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуманда кўпчилик эътиборига ҳавола этиб, ташкилотчиларнинг юксак эътирофига сазовор бўлган.

— Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб келинмоқда. Илм-фан юксак ривожланган давлатлар тарихи ва маданиятини ўрганиш келажакда бу давлатлар билан муносабатларини янада мустаҳкамлашга асос бўлади, албатта, — дейди Шарқ филологияси ва тарихи факультети декани Ж.Зиямухамедов. — Маҳмуд Иноятлов ҳам шу йўналишда изчил изланмоқда. Унинг Мисрнинг биринчи султони Айюбийлар давлатининг асосчиси ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бораётганлиги таҳсинга сазовордир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Маҳмуд рус, инглиз, араб, форс ва тожик тилларини мукамал эгаллаган. Бугунги кунга қадар унинг етти та мақоласи республика газеталарида, бештаси илмий тўпламларда чоп этилган, шунингдек илмий-оммабоп рисоласи ҳам нашрдан чиққан. Эътиборлиси, қахрамонимиз ижтимоий-гуманитар таълим йўналиши бўйича Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига ҳам сазовор бўлган.

Шоира МУҲАМЕДОВА

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ёшларимиз онига миллий қадриятларимиз мазмун-моҳиятини сингдириб бориш, уларда она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш, ота-боболаримиз меросини асраб-авайлаб, кейинги авлодга етказиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда анъанавий «Миллий ўйинлар» фестивали ўтказиб келинмоқда.

Яқинда ҳаракатнинг шаҳар бўлими томонидан 73 та маҳаллада фестивал босқичлари ўтказилди. 5,5 мингга яқин ёшлар «Беш тош», «Ким эпчилу ким чаққон», «Чиллак», «Ланка», «Ошиқ», «Қувноқ чавандозлар», «Подачи», «Хўроз жанги» каби халқ ўйинларида ўзини синаб кўришди.

Бундан ташқари, «Миллий либослар», «Миллий қадрият, урф-одат», «Хуш келибсиз, меҳмон!» мавзуларида тайёрланган фотоальбомлар ва ёзилган дастурхонлар, де-ворий газеталар бўйича танловлар ўтказилиб, голиблар дипломлар билан тақдирланди.

Фестиваль давомида таниқли эстрада хонандалари Фирдавс Пазилдинов, Улғубек Йўлдошев, Моҳир Умаров ҳамда «Шаҳризода» ва «Карвон» ғуруҳлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлари ёшлар даврасига янада файз бағишлади.

(Ўз муҳбиримиз)



Бугун ёш авлодни соғлом тафаккур, юксак маънавият соҳиби этиб тарбиялаш, билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борада инсонпарварлик ва бирдамлик тамойиллари асосида 85 йилдан бери фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти томонидан ҳам ёшларни комил инсон бўлиб вояга етиши йўлида соғлом турмуш тарзи тарғиб этилиб, биринчи ёрдам бериш кўникмалари ўргатиб келинмоқда.



Мусобақалар

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ СИНОВИ

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси ҳам шу мақсадда ташкил этилаётди. Кун кеча Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган мусобақанинг шаҳар босқичида ҳар бир тумандан ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

— Йилдан-йилга ёшларимиз ўртасида ушбу мусобақага қизиқиш ортиб бормоқда, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар кенгаши раиси Умида Муҳамедова. — Тайёргарлик жараёнида ходимларимиз мактабларда турли тадбирлар ташкил этишади. Ёшларимиз 26 соатлик дастур асосида ўқитилади. Мақсад уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, тўсатдан бахтсиз ҳодиса юз берган вазиятда биринчи ёрдам кўрсата олишга тайёрлаш, умуман олганда ўсиб келаётган авлодда инсонпарварлик туйғуси-



ни мустаҳкамлашга қаратилган.

Таассуротларга бой тарзда ўтган мусобақада ўғил-қизлар жамоа галабаси сари бор билим ва маҳоратини кўрсатишга ҳаракат қилди. Ҳакамлар ҳайъати тўпланган натижалардан келиб чиққан ҳолда Ҳамза туманидаги 244-мактаб жамоасини биринчи ўринга лойиқ деб топди. Иккинчи ўрин Чилонзор туманидаги 195-мактаб, учинчи ўрин Собир Раҳимов туманидаги 191-мактаб жамоаларига насиб этди. Тадбир давомида деворий

газеталар танлови ҳам ўтказилиб, унда Шайхонтоҳур туманидаги 82-мактаб ўқувчилари голиб бўлди.

«Бизнинг дунё — сенинг ҳаракатинг» шiori остида ўтказилган ушбу мусобақада голиб ва иштирокчилар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси шаҳар босқичидаги лавҳалар.
Қозим Ўлмасов олган суратлар

Тадбирлар

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Баркамол авлод йилида она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш, аёлларнинг репродуктив соғломлигига алоҳида эътибор қаратиб келинаётди.

Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган давра суҳбатиде мазкур йўналиш доирасидаги амалга оширилиши кўзда тутилган масалалар ҳақида фикр юритилди.

Тадбирда асосий эътибор мамлакатимиз Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижросига қаратилди.

«Истиқлол» маҳалласида уч мингга яқин хотин-қизлар истиқомат қила-

ди. Уларнинг саломатлиги 17 ва 19-оилавий поликлиникалар мутахассислари томонидан доимий назорат қилиб борилади.

— Аёллар саломатлигига эътибор келажакка бўлган эътибордир, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жориллоҳ Ҳафизов. — Шу боис аёлларимиз, кекса ёшдаги онахонларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида оилавий поликли-

никалар шифокорлари билан ҳам ҳамкорликни изчил йўлга қўйганмиз.

Туманда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданияти ва саводхонлигини ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук бўлиб шаклланишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли тарғибот ишлари олиб борилаётган. Бу борада алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан маҳаллалар, қорхона, ташкилот ва муассасаларда ҳафтанинг бир кунини «Саломатлик кунини» деб белгиланган, қўлма врачлик ва ижтимоий патронаж бригадалари ёрдамида аҳоли тиббий кўриқдан ўтказиб турилади. Яқин орада ёш оилаларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган «Ёш ота-оналар мактаби»ни ташкил этиш кўзда тутилган.

Хумоюн АЛИЕВ

Спорт янгиликлари

РАҚИБЛАРИМИЗ МАЪЛУМ

Маълумки, Марат Кабаев бош мураббийлигидаги 19 ёшгача бўлган ўсмирлардан таркиб топган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари Хитойда уюштирилган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Кун кеча Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида 19 ёшли футболчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кураш ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра терма жамоамиз аъзолари Хитой, Малайзия, Қатар ёшлар жамоаларига қарши бир гуруҳда голиблик учун кураш олиб боришади.

Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида жаҳон чемпионатида танлаб олинган Осиё ва океаниялик ҳакамлар ФИФА томонидан ўтказилган сўнгги жисмоний тайёргарлик текширув тестларини муваффақиятли топширишди.

ҲАКАМЛАРИМИЗ МАҲОРАТИ ЮКСАК БАҲОЛАНДИ

Шуниси қувонарлики, ушбу тест синовларини Равшан Эрматов бошчилигидаги Рафаэл Илёсов, Баҳодир Қўчқоров ва Абдуҳамид Расуловдан иборат ўзбекистонлик ҳакамлар аъло даражада бажаришди. Энди ҳакамларимизнинг июнда бошланадиган жаҳон чемпионати финалида учрашувларни муваффақиятли бошқаришлари талаб этилади.

(Ўз мухбиримиз)

МУРОД — ХАЛҚАРО ТУРНИР ФОЛИБИ

Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган «Фьючерс» туркумидаги халқаро турнирда Мурод Иноятв бош совринни қўлга киритди.

Яккаликлар ўртасида бешинчи рақамда сараланган ҳамюртимиз мусобақа давомида ҳиндистонлик теннисчилар — Викрам Реддини 6:3, 6:4, Камал Каннани эса 6:1, 6:0, тайландлик Киттипорг Ваҷирамановнинг 6:4, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Турнирда биринчи

рақамда сараланган мезбонларнинг яна бир вакили Юки Бҳамбри ва Мурод Иноятв ўртасидаги ярим финал баҳси турнирнинг энг кескин ва муросасиз учрашуви бўлди. Биринчи сетда рақибига 4:6 ҳисобида имкониятни бой берган юртдошимиз қолган сетларни 6:1, 7:5 ҳисо-

бида ўз фойдасига ҳал қилди.

Финалда яна бир ҳиндистонлик теннисчи Каран Растигидан 6:4, 6:4 ҳисобида устун келган М.Иноятв жорий мавсумдаги биринчи совринини қўлга киритди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

Турфа олам

ХИТОЙ ЧИННИСИ ТАРИХИ

Қадимги ўзбек тилида чин Хитой сўзининг ифодаси бўлиб, «чинни» эса Хитой чиннисининг айнан ўзидир. Қадимда пилла, чинни ташқи давлатларга сотилмай сир сақланган. Фақат минг йил аввал Италиянинг машҳур сайёҳи Марко Пологина ўз ватанига гоёт назик, ажиб қушлар, гуллар, табиат манзаралари тасвири туширилган чойнак, пиёла, ликопчаларни олиб келган. Улар бармоқ билан чертганда, назик идишлардан хона бўйлаб таралган гоёт ёқимли овоз жарангини эшитганлар ақлини лол қолдириб, унинг иждоқорлари — кулларга дил изҳорини баралла баён этишади.

Ҳа, хитойлик куллар чиннисозлик ноёб санъатини VI асрдаёқ кашф қилишган бўлиб, узок изланишлар натижалари ўлароқ инсон ақлини лол қолдирадиган, она заминнинг маҳсулоти еридаги тупроқдангина ҳукмдор табақалар учун кўзалар, ликопчалар, чойнақлар, пиёла-лар, кейинчалик туздонлар, мурчдонлар тайёрлашган. Уларнинг ҳар бирининг тақдорларини гуллари, жилолари катта санъат асарига тенг бўлган.

Санъат асарлари намунаси бўлган идиш-товуқ турлари аввалига фақат Хитой императори саройи ходимлари талабини қондириш учун тайёрланиб, бир йилда ўртача 31.000 та коса, 26.000 та ликопча, 18.000 та пиёла ишлаб чиқарилган.

XVIII-XIX-асрларда Ўрта Осиёнинг номдор бойлари Хитойга 500-600 туяли қарвонларини бошқариб, мўйна, тери, ўқ-ёйлар, ноёб ашёларни Буюк Ипак йўли орқали олиб боришган. Жумладан, бир неча тилини билган Афзалхўжабой, Ҳайдарбой, Сиддиқбой, Муҳаммадсиддиқбойлар Хитой ва Ўрта Осиё савдо-сотик ришталарини мустаҳкамлаб, ўз ҳамюртларини Хитой чинни буюмлари билан таъминлаган.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади

ЭНГ БАЛАНД ЧЎҚҚИНИ ЗАБТ ЭТГАН АЁЛ

Япониялик Юнко Табеи 1975 йилнинг 16 майида аёллар ичида биринчилардан бўлиб Эверест чўққисини забт этди. Юнко Табеи ҳар бир китъанинг энг баланд етти чўққисини ҳам забт этган, бундан ташқари, ер юзидеги 70 та йирик тоғ тизмасини кезиб чиққан биринчи аёл ҳисобланади.

СУВ ОСТИДА НАФАС ОЛМАЙ...

Америкалик Дэвид Блэйн сув остида нафас олмасдан туриш бўйича дунё рекордини янгилади. У сув тўлдирилган махсус аквариумда ўн етти дақиқаю тўрт сония нафас олмай турди.

35 ёшли Дэвид Блэйннинг рекорд ўрнатишини Опра Уинфриннинг тўғридан-тўғри эфирга узатилган ток шоусини томоша қилганлар кўришган. Саккиз минг литр сув ичдан чиққан рекордчи бу ерда ҳеч қандай кўзбўямачилик ишлатмаганини таъкидлаган. Рекордчи кейинчалик ҳам шу усулда рекорд ўрнатмоқчи бўлган, лекин етти дақиқадан сўнг аҳволи ёмонлашгани боис сувдан чиқариб олинган.

Эслатиб ўтамай, бу Дэвид Блэйннинг биринчи рекорди эмас. Инсон организмнинг чидамлигини ўрганиш мақсадида у Лондондаги Темза дарёси устига осиб қўйилган куб шаклидаги махсус шиша идишда қирқ тўрт кун яшаган.

ҚАДИМИЙ ТАНГАЛАР

Қадимда урф бўлган хазина қидириш ишлари ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган кўринади. Швециянинг Сконе вилоятидаги Неб-белеф деган жойда тўққиз ёшли Александр Гранхоф бобоси Йенс билан катта хазинага дуч келишди. Улар ўтлар орасидан 1300 йилларнинг бошига оид Дания, Англия, Германия ва Нидерландияга тегишли бўлган етти минг кумуш танга топиб олди.

— Мен ҳайратдаман, — деди топилгани текшириб қўрган археолог Матс Англерт. — Ҳозиргача Швеция ҳудудида бундай катта миқдорда қадимий тангалар топилмаган эди.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Шаҳрисабз кўчаси, 7-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мадалиева М.С.нинг фаолияти тугатилди.

Давлолар ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб икки ой давомида 185-87-53 телефони орқали қабул қилинади.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3886 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефони
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.